Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 9 (346) • 2012 йил 28 февраль

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЯНГИЛАНИШЛАР

### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ УЛУШЛАР ВА АКЦИЯЛАР ОЛИШИНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ СОҲАСИДА БАЪЗИ ИЛГАРИ АМАЛ ҚИЛГАН ВА ЯНГИ НОРМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

***Таҳлил қилинади:***

• ***6.01.2012 йилдаги «Рақобат тўғрисида»ги ЎРҚ-319-сон Қонун*** *(7.01.2012 йилдан кучга кирди, бундан кейин – ЎРҚ-319-сон Қонун);*

• ***27.01.1996 йилдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги 355-I-сон Қонун*** *(ўз кучини йўқотган, бундан кейин – 355-I-сон Қонун);*

• ***Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома*** *(АВдаги рўйхат рақами 1896, 5.02.2009 йил, бундан кейин – Йўриқнома) (расман ўз кучини йўқотмаган, бироқ амалда унда назарда тутиладиган қоидаларнинг кўпчилиги янги қабул қилинган ЎРҚ-319-сон Қонуннинг нормаларига мувофиқ келмайди, шу сабабли унга зид келмайдиган қисмидагина қўлланиши мумкин).*

Асосий янгиликлар:

**1** улушлар (акциялар)ни реализация қилиш тўғрисида битимлар тузганда хўжалик юритувчи субъектлар активларининг қиймат чегараси 25 бараварга кўпайди, бундан ошиш монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш мажбуриятини кўяди;

**2** розилик олиш учун монополияга қарши органга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатининг ўзгартирилиши;

**3** бозорда улуш ҳажми чегара кўрсаткичининг тасайтирилиши, ундан ошиш субъектни устун мавқени эгаллаган деб тан олишга олиб келади;

**4** биргина юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) учун монополияга қарши орган билан уларга тегишли улушларни (акцияларни), олинаётган ҳажмлари ва битимда иштирок этаётган шахслар активларининг миқдоридан қатъи назар, бир-бирларига сотишни (воз кечишни) келишиб олиш тўғрисидаги талабларнинг бекор қилиниши;

**5** олинаётган улушлар (акциялар) ҳажмлари бўйича энг юқори чегара қийматлари белгиланиши, улардан ошириш монополияга қарши органнинг уларни сотиш (учинчи шахслар фойдасига воз кечиш) тўғрисида битимга олдиндан розилик беришини талаб қилади; бунинг оқибатида монополияга қарши органга мурожаатлар умумий сони қисқаради.

2-бетда

Сизнинг адвокатингиз

## АГАР ҚАРИНДОШЛАРИ БЎЛМАСА, КИШИ ЎЗИНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ КИМГА ҚОЛДИРАДИ

**Ўзининг мол-мулкини кимга қолдириш масаласи ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозирги вақтда, ўзининг мол-мулкини киши вафотидан кейин васиятнома тузиш орқали қолдириш имконияти билан бир қаторда, мол-мулкни бошқа шахсга қолдиришнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Уларнинг бирортасини танлашдан аввал мол-мулкни бошқаларга қолдириш турли усулларининг асосий хусусиятларини билиш, улар ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликлардан бохабар бўлиш зарур.**

***Мен пенсионерман, бир ўзим яшайман. Ёнимда туғишганларим йўқ. Менга қарайдиган ва овқатимдан хабар оладиган киши керак. Вафотимдан кейин квартирамни унга бераман. У билан муносабатларни расмийлаштиришнинг қайси тури хавфсизроқ: унга васиятномани расмийлаштиришми ёки у билан шартнома тузишми? Қайси бири яхшироқ? Агар киши менга қарамаса, ундан воз кеча оламанми? Шунингдек, менинг қариндошларим вафотимдан кейин мол-мулкимга эга бўлмасликларини хоҳлайман.***

**Пенсионер.**

**ВАСИЯТНОМА**

– Фуқароларнинг васиятномани танлашларини қуйидаги асосий сабаблар тақозо этади:

1) васиятнома – вафотидан кейин киши ўзининг мол-мулки тақдирини мустақил белгилайдиган бирдан-бир усул, зеро васиятнома бўлмаса, мол-мулк қонун бўйича меросхўрларга ўтади, уларнинг доираси амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

2) васиятнома тузиб, фуқаро ўз меросхўрлари доирасини белгилайди. Яъни меросни васиятнома бўйича нафақат мерос қолдирувчининг қариндошлари, балки васиятномада у кўрсатган ҳар қандай шахслар: фуқаролар, юридик шахслар, давлат ҳам олиши мумкин;

3) фуқаронинг ҳаётлигида васиятномада айтилган мол-мулк мерос қолдирувчининг мулкида қолади;

4) мерос қолдирувчи тузилган васиятномани у амалга оширилганидан кейин исталган пайтда бекор қилиш ва ўзгартиришга ҳақли, бунда у бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин – ФК)* 1121-моддасига муво-

4-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан <u>www.norma.uz</u> сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

NORMA
www.norma.uz

### ПУДРАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2012 йилдаги 37-сон қарори билан** Президентнинг 2012 йил 14 январдаги ПҚ-1687-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш соҳасида пудратчиларни танлашда рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида **Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди. Низомга мувофиқ танлов савдолари уч босқичда ўтказилади: ўтказишга тайёргарлик кўриш, танлов савдоларини ўтказиш ва якунларини чиқариш. Пудрат ташкилотларини танлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қарори билан танлов комиссияси тузилади.

Талабгорларга нисбатан қуйидаги асосий малака талаблари қўйилади:

фуқаровий ҳуқуқий лаёқатлилик ва шартнома тузишга ваколатлар;

танлов савдоларига қўйилган объектларга ўхшаш объектларда камида 3 йил иш тажрибасининг мавжудлиги;

миқдори танлов ҳужжатларида аниқланадиган асосий ва айланма маблағларнинг мавжудлиги;

қурилишни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Талабгорларга нисбатан буюртмачи ёки инвестор томонидан белгиланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Танлов савдоларида:

муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқликка эга бўлган пудрат ташкилотларининг алоҳида талабгорлар сифатида;

тугатиш ёки қайта ташкил этиш (бўлиш, ажратиб чиқариш, қўшиб юбориш) босқичидаги, шунингдек банкрот деб эълон қилинган пудрат ташкилотларининг қатнашиши тақиқланади.

Оферталарни тақдим этиш муддати оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб камида 30 кунни ташкил этиши керак.

Оферталарни очиш, баҳолаш гуруҳи томонидан оферталарни ўрганиш, баҳолаш, таққослаш, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини тақдим этиш, танлов савдолари ғолибини эълон қилиш муддатлари танлов комиссиясининг регламентида белгиланади. Буюртмачи савдолар ғолиби аниқланган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида ғолибга шартнома унга берилганлиги тўғрисида билдиришнома юборади.

### ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 14.02.2012 йилда 2326-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари тасдиқланди.** Мазкур Қоидалар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини белгилайди. Мазкур тартиб қонун ҳужжатларини марказлаштирилган тартибда йиғиш, қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини ҳисобга олиш журналида ҳисобга олиш ҳамда назорат нусхаларини олиб боришдан иборат. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш вазифаси юридик хизмат ходимига (юрисконсультга) юклатилади. Унинг йўқлигида ушбу вазифа давлат бошқаруви органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари томонидан бошқа шахсга юклатилади. Бу ходимлар моддий жавобгар шахс ҳисобланадилар ва улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Қоидалар билан қонун ҳужжатларининг назорат нусхаларини олиб бориш тартиби ҳам белгиланган.

Расмий нашрлар қатъий ҳисобга олиниши, сақланиши ва ҳар 5 йилда камида бир марта ҳатловдан (инвентаризациядан) ўтказилиши зарур.

Ушбу Қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

***2012 йил 13 февралдан 17 февралгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини экспертюристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***

# МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЯНГИЛАНИШЛАР

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ УЛУШЛАР ВА АКЦИЯЛАР ОЛИШИНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ СОҲАСИДА БАЪЗИ ИЛГАРИ АМАЛ ҚИЛГАН ВА ЯНГИ НОРМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

1-бетда

### ЎЗАРО БИТИМЛАР

**Муҳим ўзгаришлар** улушлар (акциялар)ни **биргина юридик шахснинг** бошқа иштирокчиларига (акциядорларига) сотадиган (учинчи шахслар фойдасига воз кечадиган) **муассислар** (иштирокчилар, акциядорлар)**нинг манфаатларига дахл қилади.** Мазкур битимларга ЎРҚ-319-сон Қонун қабул қилинишига қадар умумий тартибда келишиб олиш тўғрисидаги монополияга қарши тартибга солиш талаблари татбиқ этилган. Масалан, агар улушнинг 50 фоизига эгалик қилувчи бир муассис уни бошқа муассисга сотса ва иккала шахс активларининг баланс қиймати ЭКИҲнинг 4 000 бараваридан ошса, монополияга қарши органнинг битимга аввалдан розилигини олиш зарур эди. Айтайлик, улушларнинг 70 фоизига эгалик қилувчи муассис бошқа муассисдан, мисол учун, 5 ёки 10% улушни сотиб олган ҳолларда ҳам 355-I-сон Қонунда монополияга қарши органнинг битимга розилигини олиш талаб қилинарди.

Бугунги кунда бундай ҳолатлар монополияга қарши тартибга солиш доирасидан чиқарилган. Яъни биргина юридик шахснинг муассислари ўртасида уларга тегишли улушлар (акциялар)ни сотиш (воз кечиш) тўғрисида битим имзоланса, уларнинг қанча ҳажми олувчининг мулкига ўтиши ва ушбу шахслар активларнинг қандай ҳажмига эга бўлишидан қатъи назар, **розилик олиш учун монополияга қарши органга мурожаат қилиш шарт эмас.** Бундай битимлар эркин амалга оширилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектда улушлар (акциялар)нинг муассислар (иштирокчилар, акциядорлар) томонидан учинчи шахсларга сотилиши (улар фойдасига воз кечилиши) ҳолларигина монополияга қарши органнинг назорати остида қолди.

### РОЗИЛИК ОЛИШ МАЖБУРИЙ ЭМАС

355-I-сон Қонунга кўра **фақат хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари уни ташкил этиш чоғида** (молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларини ташкил этиш ҳолларидан ташқари) монополияга қарши органнинг **розилигини олмасликлари мумкин эди.** Йўриқномада розилик олишни талаб қилмайдиган қуйидаги **ҳоллар қўшимча равишда белгиланган:**

имтиёзли акцияларни олиш, агар хўжалик юритувчи субъектнинг уставига кўра улар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаса;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз акциялари (улушлари)ни олиши (агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса);

акциядорлик жамиятини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этиб, акциялар пакетини (улушини) қайта тақсимлаш.

Бугунги кунда ЎРҚ-319-сон Қонун нормалари таркибига юқорида саналган барча ҳоллар киритилиб, қуйидаги **2 ҳолат янгидан қўшилган:**

устав фонди (устав капитали)даги акциялар (улушлар)ни ишончли бошқарувга бериш, шунингдек кейин уларни қайта сотиш мақсадида инвестициявий воситачилар томонидан акциялар (улушлар)нинг харид қилиниши;

хўжалик юритувчи субъект томонидан Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ устав фонди (устав капитали)даги акциялар (улушлар)нинг харид қилиниши.

### АКТИВЛАР ВА ТУШУМ ЛИМИТЛАРИ. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ

Агар охирги календарь йилда битимда иштирок этувчи шахслар активларининг баланс қиймати **энг кам иш ҳақининг 4 000 баравари ва ундан кўп миқдорни** ташкил қилса, битимни амалга оширишга розилик олиш талаб қилинарди. Бунда 355-I-сон Қонунда монополияга қарши органга тақдим этиладиган илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати назарда тутилмаган. Фақат *«қарор чиқариш учун зарур ахборот»* тақдим этишнинг шартлигини кўрсатилган. Йўриқномада қуйидаги рўйхат белгиланган:

инвестор ва хўжалик юритувчи субъект таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

инвестор ва хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия балансларининг нусхалари;

инвестор ва хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг ижро этувчи ва сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирадиган шахслар рўйхатлари. Улар сирасида бош бухгалтерлар ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахсларни ҳам кўрсатиш талаб қилинган;

бошқа ҳужжатлар – монополияга қарши органнинг талаби бўйича.

Ушбу ҳужжат батафсил бўлмай, монополияга қарши органнинг хоҳишига қараб ҳужжатлар билан тўлдирилиши мумкин эди.

Бугунги кунда монополияга қарши органнинг розилигини олиш талаб қилинадиган улушлар (акциялар) олди-сотдиси (воз кечиш) битими тарафлари активларининг умумий қиймати **энг кам иш ҳақининг 1 000 баравари** ва ундан кўп миқдорни ташкил этади. Бунда ЎРҚ-319-сон Қонун билан аризага илова қилиш лозим бўлган қуйидаги **ҳужжатларнинг рўйхати белгиланган:**

1) уларга доир барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таъсис ҳужжатларининг нусхалари – юридик шахс учун ёки аризачининг паспорт маълумотлари – жисмоний шахс учун;

2) фаолият турлари, аризачи томонидан ариза берилган кундан олдинги 2 йил мобайнида ёки агар у 2 йилдан камни ташкил қилса, фаолиятни амалга ошириш муддати мобайнида ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган товар турлари номи ва уларнинг ҳажмлари тўғрисида маълумотлар;

3) бундан олдинги 2 календарь йил учун молиявий ва статистик ҳисоботлар;

4) бундай шахслар ушбу гуруҳга киритиладиган асосларни кўрсатган ҳолда шахслар гуруҳи таркиби тўғрисида маълумотлар ҳамда устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар)ни харид қилиш бўйича кўрилаётган битимларга тааллуқли бошқа ахборот.

Ҳужжатларнинг мазкур рўйхати Йўриқномада келтирилганига қараганда анча кенгайтирилган. Хусусан, агар илгари фақат бухгалтерия баланси талаб қилинган бўлса, ҳозир субъектлар топширадиган бутун молиявий ҳисоботлар талаб қилинади. Ҳозир амал қилаётган рўйхат таҳриридан фарқли равишда илгари статистик ҳисобот назарда тутилмаган.

Ҳужжатлар рўйхати ҳозир ҳам, худди аввалгидек батафсил эмас. Монополияга қарши орган ўз хоҳишига қараб содир этилаётган битим билан боғлиқ бошқа ахборотни талаб қилишга ҳақлидир. Инвестор ва хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг ижро этувчи ва сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирадиган шахсларнинг рўйхатлари, шу жумладан бош бухгалтерлар ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар, ҳозирги рўйхатда алоҳида сатрда номма-ном айтилмаган, шу сабабли ҳужжатларни бирламчи топширганда уларни кўрсатиш мажбурий эмас. Бироқ монополияга қарши орган ҳужжатлар олингандан кейин, ўзининг «бошқа ахборотни» сўраш ҳуқуқидан фойдаланиб, ушбу маълумотларни талаб қилишга ҳақлидир.

ЎРҚ-319-сон Қонун билан, активлар ҳажми билан бир қаторда, **қўшимча параметр** – битимда иштирок этувчи шахсларнинг **охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан суммар тушумининг миқдори киритилган.** Уни муқобил асосда қўллаш назарда тутилган. Бу эса улушлар (акциялар) харид қилишнинг монополияга қарши тизимини меъёрий тартибга солишда янги ҳодисадир.

### СОТИБ ОЛИШ ҲАЖМЛАРИ

ЎРҚ-319-сон Қонунда илгари амал қилган, **бозорда устун мавқени эгаллаган субъект томонидан улушлар (акциялар) харид қилиниши чоғида дастлабки розилик олиш** зарурлиги тўғрисидаги қоида сақланган. Бироқ субъектга мазкур мақомни беришнинг **чегара кўрсаткичи** ўзгарган: у **15%га пасайган.** Илгари субъект бозорда 65%лик ва ундан кўп улушни эгаллаган бўлса, унинг ҳолати устун ҳолат деб тан олинган, бугунги кунда эса 50% ва ундан кўп улушни эгаллаш кифоядир.

Илгари битимга олдиндан розилик олишни шарт қилиб қўйган улушлар (акциялар) ҳажмидан ошишнинг биргина 35 фоизлик чегараси амал қилган. Бунда улушлар (акциялар)ни қўшимча харид қилишда ҳам харид қилинаётган ҳажм («пакет») миқдоридан қатъи назар розилик олиш талаб қилинган. Яъни монополияга қарши органга мурожаатларнинг миқдори амалда содир этилаётган битимлар миқдорига тенг бўлган.

ЎРҚ-319-сон Қонун билан битимларга розилик билдиришнинг янги қоидаси жорий этилди. Акциялар ва улушларга доир битимларга нисбатан турли чегара кўрсаткичлари белгиланди. Янги талабларга мувофиқ монополияга қарши органнинг розилигини кўпи билан 3 маротаба: акцияларнинг 35, 50 ва 75%ини сотиб олганда сўраб олиш зарур. Кўрсатилган чегара қийматлари доирасида акцияларни қўшимча харид қилишда битимга олдиндан розилик олиш учун монополияга қарши органга мурожаат қилиш талаб этилмайди.

МЧЖда улушларни реализация қилишга нисбатан 2 та энг кўп кўрсаткич: устав фондининг 50%и ва унинг 2/3 қисми белгиланган. Яъни, янги талабларга кўра, битимни амалга ошириш натижасида харид қилинган улушнинг ҳажми кўрсатилган чегараларнинг биридан ошиб кетсагина, битимга олдиндан розилик олиш зарур. Мазкур чегара қийматлари оралиғида улушларни қўшимча сотиб олишда энди монополияга қарши орган билан келишиш талаб қилинмайди. Шу тариқа, **монополияга қарши органга эҳтимолий мурожаатларнинг энг кўп миқдори иккитагина бўлади.**

### МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ РЕГЛАМЕНТИ

Розилик олиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддати 355-I-сон Қонунда назарда тутилмаган эди. Йўриқномага кўра эса у кўпи билан 10 кунни ташкил қилган. Бунда монополияга қарши органнинг ишни кўришни кейинга қолдириш ҳуқуқи назарда тутилган. Чегараланган муддат қайд этилмаган. Ишни ке-йинга қолдириш учун асослар белгиланмаган, фақат умумий тусдаги *«бозорни таҳлил қилиш ёки қўшимча ахборот олиш зарурлиги муносабати билан»* деган таъкид бор эди, холос.

ЎРҚ-319-сон Қонун билан **кўриб чиқиш муддати 10 кун доирасида сақланган. Бунда уни узайтириш,** бироқ чегараланган давр – кўпи билан **1 ой муддатга узайтириш имконияти назарда тутилган.** Узайтириш учун асосларга баён ҳам берилган: монополияга қарши органда битим, шу жумладан товар ёки молия бозорида устун мавқени юзага келтириш ёки кучайтириш воситасида рақобатни чеклашга олиб келиши ёхуд олиб келиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа-гумонларнинг мавжудлиги.

355-I-сон Қонунда розилик беришдан бош тортиш учун асослар назарда тутилмаган. Улар Йўриқномада кўрсатилган. Қуйидаги ҳолларда монополияга қарши орган бош тортиши мумкин бўлган:

агар хўжалик юритувчи субъект товар бозорида устун мавқени эгаллаган бўлса ва илтимосномани қаноатлантириш хўжалик юритувчи субъектнинг, шахслар гуруҳининг устун мавқеининг кучайишига ёки рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

хўжалик юритувчи субъект устун мавқени эгаллаган муайян товар бозорида инвестор ҳам устун мавқега эга бўлса;

агар акцияларнинг, улушларнинг олиниши хўжалик юритувчи субъект ва инвесторни биргаликда муайян товар бозорида устун мавқега эга бўлишига олиб келса;

агар инвестор томонидан тақдим этилган қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборот нотўғри ёки ёлғон бўлса.

Энди бош тортиш учун асослар ЎРҚ-319-сон Қонуннинг нормаларига киритилди. Аслини олганда, улар ўзгармади, фақат стилистик тузатишлар қилинди.

Илгари амал қилган меъёрий-ҳуқуқий қоидаларда монополияга қарши орган қабул қиладиган қарорнинг қуйидаги вариантлари назарда тутилган: илтимосномани қондириш ва розилик бериш ёки қондиришдан бош тортиш ва розилик бермаслик. Рақобатни таъминлашга йўналтирилган талабларни бажаришга боғлиқ ҳолда розилик бериш каби вариант назарда тутилмаган. Янги ЎРҚ-319-сон Қонунда у мавжуд. Яъни **монополияга қарши орган муайян талабларнинг бажарилишига боғлиқ ҳолда розилик бериш далилини қўйишга ҳақли.** Уларнинг моҳияти очиб берилмайди, рўйхати назарда тутилмаган. Мазкур талаблар монополияга қарши органнинг хоҳишига қараб белгиланади. Бирдан-бир аниқлаштириш мавжуд – талаблар ва уларни бажариш муддатлари монополияга қарши органнинг қарорида келтирилиши керак.

***Артём МОКШИН,***
***«Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг раҳбари.***

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Монополияга қарши қаратилган янгиланишлар
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) расмий шарҳ бериш тўғрисида»ги қарори. *1-3-бетлар*

✓ СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ
– Агар қариндошлари бўлмаса, киши ўзининг мулкини кимга қолдиради *1, 4-5-бетлар*

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Паспортнинг турмушдаги ўрни
– Икки амалдаги директор *6-бет*

✓ НАЗОРАТ
– Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали *7-8-бетлар*

# АГАР ҚАРИНДОШЛАРИ БЎЛМАСА, КИШИ ЎЗИНИНГ

1-бетда

фиқ васият қилувчи меросхўр олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли. Масалан, васиятномага бўлғуси меросхўр фақат мерос қолдирувчига лозим тарзда қараган тақдирдагина унга мол-мулк мерос бўлиб қолиши шартини киритиш мумкин.

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки мерос қолдирувчининг шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин *(ФКнинг 1122-моддаси)*.

Бироқ айни вақтда мулкдор вафот этган тақдирда мол-мулкни тасарруф этишнинг мазкур усули васиятнома бўйича бўлғуси меросхўрлар учун муайян хатар улушига эга. Чунончи, васиятномада кўрсатилмаган қариндошлар васиятнома хусусида низолашишлари, уни ҳақиқий эмас деб топишга уринишлари мумкин. Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлаш тартибининг бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин *(ФК 1130-моддасининг иккинчи қисми)*. Шу сабабли васиятномани тузиш тартиби ва шаклига риоя этиш муҳим. ФКнинг 1124-моддасига кўра, **васиятнома ёзма шаклда тузилиши, васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши[1] ва нотариус томонидан тасдиқланиши керак.**

Бундан ташқари, ФКнинг 1142-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб оладилар.

Бинобарин, мерос очиш пайтида, васиятномада тўғридан-тўғри кўрсатилган меросхўрлардан ташқари, бошқа шахслар меросни қабул қилишлари мумкинлиги хатари мавжуд.

***

***Мен 95 ёшдаман. Бир ўзим яшайман. Ҳар ҳафтада уйимга ижтимоий бўлим ходимлари келадилар. Менга кўрсатаётган ёрдамларидан миннатдорман, бироқ кейинги пайтда улар ходимининг айтишича, квартирам мен вафот этгандан кейин мерос бўлиб меҳнат органларига ўтаркан, шу сабабли улар менга ёрдам беришмоқда экан. У ушбу ҳол билан боғлиқ қандайдир ҳужжатларга имзо қўйишимни сўради. Бироқ бундай ёрдам давлат ҳисобидан бўлмасмиди? Мен квартирамни кўпдан бери биладиган етимга васият қилмоқчиман. Мен ҳужжатларга имзо чекмаяпман, ушбу масалани орқага суряпман. Бироқ менга ёрдам бермай қўйишларидан қўрқаман. Қандай қилиб ёрдам берилишини сақлашим ва айни вақтда мол-мулкни ўз хоҳишимга кўра тасарруф қилишим мумкин?***

**Г.Файзуллина.**

– Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги низомнинг[2] *(бундан кейин – Ижтимоий ёрдам тўғрисида низом)* 20-бандига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматининг таъминот харажатлари ўрнатилган тартибда тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий таъминотга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади. Яъни **уйда хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий ёрдам давлат ҳисобидан амалга оширилади ва ижтимоий ёрдам ходимлари сиздан бунинг эвазига мол-мулкингиз берилишини талаб қилишга ҳақли эмаслар.** Эҳтимол, ижтимоий ёрдам ходимингиз ижтимоий ёрдам хизмати функцияларини амалга оширишга ваколатли бўлган Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) маркази номидан эмас, балки шахсан ўзининг номидан иш юритаётгандир. Сиз бевосита ижтимоий ёрдам хизмати маъмуриятига мурожаат қилишингиз ва ижтимоий ёрдам ходимининг ноқонуний талаблари тўғрисида маълум қилишингиз мумкин. Улар ўз навбатида ушбу ходимга нисбатан тегишли чоралар кўришлари ва сизга бошқа ходим тайинлашлари керак. Янги ходим сизга уйда ёрдам кўрсатишни давом эттиради.

Васиятномага келсак, сиз уни тузишингиз ва унда ўзингиз хоҳлаган меросхўрни кўрсатишингиз мумкин.

## ВАСИЯТНОМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага[3] *(бундан кейин – Йўриқнома)* III-бобининг 18-параграфига кўра, васиятнома шахсан тузилиши лозим **(васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди)**. Васият қилувчи мустақил тарзда васиятнома матнини уй шарт-шароитларида тузиши ва у билан нотариусга бориши мумкин. Васиятномада унинг ёзилган жойи ва вақти, васият қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиши ва унинг ўз қўли билан имзоланиши керак.

У васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши ҳам мумкин.

Агар фуқаро жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда, васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Бироқ, Йўриқноманинг 174-бандига кўра, қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига **васиятномани имзолаши мумкин эмас:**

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Васиятнома тасдиқланаётганда васият қилувчидан мол-мулкка мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат талаб қилинмайди. Бироқ бунда меросхўр васиятнома бўйича мерос қолдирувчига қонун бўйича тегишли бўлган нарсанигина олади.

Васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда васиятноманинг ҳар икки нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланиши мумкин. Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши, фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзиши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ва доимий рўйхатга олинган манзилни кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқловчи ёзувни ёзиб қўяди.

Мерос қолдирувчи тузилган васиятномани у амалга оширилгандан кейин исталган пайтда бекор қилиши ва ўзгартириши мумкин ҳамда бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Бунинг учун у нотариал идорага васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши керак. Нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза олган тақдирда унинг нотариал идорада сақланаётган нусхасига бу хусусда ёзув киритади. Васият қилувчи ўзида сақланаётган васиятнома нусхасини тақдим этган тақдирда, васиятноманинг ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади.

Васият қилувчи исталган вақтда васиятномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида хоҳлаган нотариусга мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда нотариус васиятноманинг ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги аризани васиятнома тасдиқланган ёки у сақланаётган нотариал идорага топширади. Васиятномага ўзгартиришлар киритиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар 10 кун мобайнида васият қилувчи доимий рўйхатга олинган жойда васиятномаларни расмийлаштириш билан шуғулланадиган давлат нотариал идорасига жўнатилиши керак.

Васиятномани тасдиқлаш учун давлат божи ставкаси ЭКИҲнинг 5%ини ташкил этади[4].

## РЕНТА ШАРТНОМАСИ

Васиятномадан ташқари, фуқаролар замонавий фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мол-мулкини тасарруф этишнинг бошқа имкониятига – масалан, умрбод таъминлаган ҳолда рента шартномасини расмийлаштириш имкониятига эгалар.

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) мулк қилиб беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади *(ФКнинг 512-моддаси)*.

Ҳозирги вақтда рента шартномаларининг қуйидаги турлари назарда тутилган:

1) **доимий рента шартномаси** *(ФКнинг 518–524-моддалари)*, унга кўра рентани тўлаш муддати муайян муддат билан чекланмаган, бироқ бунда доимий рента тўловчи уни сотиб олиш йўли билан рентани бундан кейин тўлашдан бош тортишга ҳақли;

2) **умрбод рента шартномаси** *(ФКнинг 525–529-моддалари)*, бунда рента тўлаш муддати рента олувчининг умри билан чекланади. Умрбод рента фуқарога қараш билан биргаликда умрбод таъминот шартларида белгиланиши мумкин.

Ёлғиз пенсионерлар учун **умрбод рента** амалий жиҳатдан манфаатли. Рента олувчи, энди у квартира мулкдори ҳисобланмаслигидан қатъи назар, мазкур квартирада умри охиригача яшаш ҳуқуқига эгадир. Бунинг эвазига рента тўловчи уни олувчини умри охиригача **ўз маблағлари ҳисобидан** таъминлаш мажбуриятини олади. Таъминот пул маблағлари кўринишида ва натура кўринишида берилиши мумкин, яъни: озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечак ва кекса кишига зарур бўлган бошқа ашёлар, шу жумладан парваришлаш. Бундан ташқари, рента тўловчи зиммасига кўчмас мулк – турар жой билан боғлиқ турли харажатлар – коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, жорий таъмирлашни амалга ошириш, солиқларни тўлаш ва бошқа харажатлар бўйича жавобгарлик ҳам юкланиши мумкин. Парваришлашнинг барча шартлари шартномада батафсил қайд этилиши керак.

Рентани тўлашга бериладиган мол-мулк рента олувчи томонидан рента тўловчининг мулкига тўлов эвазига ёки бепул берилиши мумкин.

Умрбод рента шартномада рента олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси сифатида белгиланади. **Рентанинг бир ойлик миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан оз бўлмаслиги керак** *(ФКнинг 526-моддаси)*.

Умрбод рента одатда ҳар бир календарь ой тугаганидан кейин тўланади, бироқ шартномада бошқа муддатлар, масалан, чоракда бир марта тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Рента тўловчи шартномани жиддий бузган ҳолларда рента олувчи уни тўловчидан рентани сотиб олишни ёки шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга *(ФК 528-моддасининг биринчи қисми)*. Шартномани бекор қилиш жараёни одатда муайян қийинчиликлар билан боради, чунки тўловчи ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганлигига қўшилмаслиги мумкин. Бу ҳолда низо суд тартибида ҳал этилади.

Бундай шартноманинг ижобий жиҳатларидан бири шуки, унга кўра умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши (масалан, ёнғинда) рента тўловчини рентани шартномада назарда тутилган тартибда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди *(ФКнинг 529-моддаси)*.

**Квартирани рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган рента шартномаси нотариал тасдиқланиши, шунингдек ер тузиш, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр хизмати органларида давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим** *(ФКнинг 513-моддаси)*.

[1]*Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин (ФК 1124-моддасининг тўртинчи қисми).*

***Мария ИВАНОВА, адвокат.***

# МОЛ-МУЛКИНИ КИМГА ҚОЛДИРАДИ

## УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН ТУРАР ЖОЙНИ (КВАРТИРАНИ) БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни ёки квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жойни мулк қилиб бериш мажбуриятини олади *(ФКнинг 530-моддаси)*.

Шартнома ушбу турининг рентадан фарқлари қуйидагича:

1) рента шартномасига кўра ҳар қандай мол-мулкни (кўчар ҳамда кўчмас), умрбод таъминлаш шарти билан квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича эса **фақат турар жойни** бериш мумкин;

2) рента шартномаси бўйича исталган шахс уни олувчи бўла олади, бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича эса **ёши ёки соғлиғи бўйича меҳнатга қобилиятсиз шахс** бошқа шахсга берувчи бўла олади.

Бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим *(ФК 531-моддасининг биринчи қисми)*.

Бериладиган уй-жой ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади *(ФК 531-моддасининг иккинчи қисми)*, бунда **тўловнинг энг кам миқдори,** масалан, рента шартномасидагидек, **белгиланмайди.**

Бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши керак *(ФК 531-моддасининг учинчи қисми)*.

Уй-жойнинг тасодифан нобуд бўлиши, худди рентадагидек, олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди *(ФК 532-моддасининг иккинчи қисми)*.

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин *(ФК 533-моддасининг биринчи қисми)*.

Шартнома бекор қилинганда квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши керак *(ФК 533-моддасининг учинчи қисми)*.

Олувчи вафот этган тақдирда шартнома бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар шартномани бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади *(ФКнинг 534-моддаси)*.

Умрбод таъминлаш шарти билан рента шартномаси ва бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлаш учун давлат божи ставкаси:

| | |
|---|---|
| мулкдор ва унинг хотини (эри)нинг эри (хотини), болалари, набиралари, боболари, бувилари, туғишган ака-ука ва опа-сингилларига | 1 кв. метр майдон учун ЭКИҲнинг 0,5%и |
| бошқа жисмоний ва юридик шахсларга | 1 кв. метр майдон учун ЭКИҲнинг 2%и |

* * *

***Менинг қўшним – кекса аёл, бир ўзи яшайди. У билан келишиб олишимга кўра, мен унга қарайман, у эса вафотидан кейин квартирани менга қолдиради. Бундай муносабатлар қонунга кўра қандай расмийлаштирилишини билмоқчи эдим. Гап шундаки, у ўзининг набирасини жуда яхши кўради, бироқ 15 йилдан бери уни кўрмаган. Бир гал ҳатто унга васиятнома тузганлигини айтган эди. Мен уни парвариш қилсам, квартирани бир шаҳарда яшаса-да, 15 йил ичида лоақал бир марта қўнғироқ ҳам қилмаган набираси олишини хоҳламас эдим.***

**А.Икромова.**

– Агар сиз қараётган аёл рози бўлса, у билан умрбод рента шартномаси ёки умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой ёки квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузишингиз мумкин, уларни тузиш тартиби юқорида баён этилган. Бундай шартнома тузилган тақдирда турар жойнинг мулкдори сиз бўласиз, тегишинча, ушбу мулкни мерос қолдириш қисмида васиятнома ўз кучини йўқотади.

### ИККАЛА ТАРАФ УЧУН УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН РЕНТА ЁКИ ТУРАР ЖОЙНИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШГА ДОИР УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР:

1) таъминлаш хусусиятлари ва уни бериш тартибини батафсил баён қилинг (озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва овқат тайёрлаш режими, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тартиби, хонани супуриб-сидириш, тиббий хизмат кўрсатиш, уйда қарашни амалга ошириш ҳоллари, рента олувчининг ҳолатига боғлиқ ҳолда шартнома шартларини ўзгартириш имконияти ва бошқалар). Шартларни батафсил таърифлаш тахмин қилинаётган таъминлаш ҳажмига нисбатан низолар юзага келиши эҳтимолини камайтиради;

2) кундалик тутиш ва унга тарафларнинг имзолари билан тасдиқланган мажбуриятлар бажарилиши саналарини қайд этиш мақбулдир. Бу кейинчалик мажбуриятлар ижросини тасдиқлаш имконини беради;

3) барча тўлов ҳужжатларини сақлаб қўйинг. Умрбод рента ҳолатида тўловларни банк орқали ўтказиш маъқулроқ, чунки рента тўловчининг қўлида пуллар кимнинг номига, қачон ва ким томонидан киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар қолади;

4) ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахслар фойдасига воз кечиш ва уларга бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги шартни киритинг.

[2]Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2011 йил 11 июлда 2243-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

[3]Адлия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

[4]Давлат божи ставкалари ВМнинг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган.

[5]ВМнинг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорига 2-илова.

Рента олувчи ёки унинг қариндошлари уни тузиш пайтида пенсионернинг ҳуши ўзида эмаслиги асосида шартномани бекор қилишга уринадиган ҳолатлар оз эмас. Битим тузиш пайтида пенсионер руҳий-неврологик ва наркологик диспансерларда ҳисобда турмаганлиги муҳим. Шу сабабли битим тузиш олдидан ушбу даволаш муассасаларидан маълумотномалар олиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Пенсионернинг битим тузиш пайтида ақл-ҳуши жойидалиги гувоҳи бўлиб ушбу битимни тасдиқлаган нотариус ҳисобланади.

## ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК

***Мен пенсионерман, I гуруҳ ногирониман. Бир ўзим яшайман. Менга қараши учун васий тайинламоқчиман. Менга қарашни қандай расмийлаштириш керак? Тушунтириб берсангиз, вафотимдан кейин квартирам кимга қолади? Мени дафн этадиган давлатгами ёки васийимгами (агар уни тайинласам)?***

**И.Покиза.**

– **Васийлик** ота-онасиз қолган болаларга ва **суд муомалага лаёқатсиз деб топган шахсларга белгиланади.** Соғлиғи туфайли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз вазифаларини бажара олмайдиган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан эса, уларнинг илтимосига кўра, **ҳомийлик** белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида низом[5] I-қисмининг 3-бандига мувофиқ *(бундан кейин – Васийлик тўғрисидаги низом)* васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Бунинг учун бўлғуси ҳомийингиз юқорида кўрсатилган ҳужжат II-қисмининг 9-бандида саналган ҳужжатлар пакети билан яшаш жойингиздаги ҳокимликка мурожаат қилиши керак. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра **ҳомий** ўз қарамоғидагиларга ўзининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва вазифаларини бажаришда кўмак кўрсатади, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг суиистеъмолликларидан муҳофаза қилади. Масалан, у ишончномасиз турли муассасаларда сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилиши (коммунал хизматларга ҳақ тўлаши, сизнинг номингизга битимлар тузиши ва ҳоказо) мумкин. Бироқ **қарамоғидагиларни парваришлашга у мажбур эмас.** Бунинг устига **сизнинг манфаатларингизни муҳофаза қилишга доир барча вазифаларни у сизнинг ҳисобингиздан амалга оширади.**

Сизни парваришлайдиган кишини тайинлашга келсак, бунда қуйидагича иш қилиш мумкин.

***I-вариант.*** Сизга ижтимоий ҳимоя ходимини тайинлашлари учун Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказига мурожаат қилиш мумкин. Ижтимоий ёрдам тўғрисидаги низомга кўра уйда хизмат кўрсатишга 55 ёшдан ошган, I гуруҳ ногирони бўлган, соғлиғи туфайли бошқаларнинг қарашига муҳтож, болалари (шу жумладан боқиб олган болалари) ва яқин қариндошлари билан бирга яшамайдиган аёллар қабул қилинади.

**Уйда хизмат кўрсатиш бепул амалга оширилади.**

Сизнинг мол-мулкингизга келсак, васиятнома тузишингиз ва унда меросхўрларни кўрсатишингиз мумкин. Агар васиятнома ёзилмаса, бутун мол-мулк қонун бўйича меросхўрларга ўтади. Агар улар бўлмаса, мол-мулк эгасиз ҳисобланади ва давлатга ўтади.

***II-вариант.*** Агар ишонадиган кишингиз бўлса, у билан умрбод таъминлаш шарти билан турар жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномаси ёки рента шартномасини юқорида баён этилган тартибда тузишингиз мумкин. Бу ҳолда сиз ўзингизни таъминлаш ва парваришлаш шартларини аниқ қилиб келишиб олишингиз мумкин. Мол-мулк бундай ҳолда сиз шартнома тузган кишига ўтади.

* * *

***Хорижда 10 йил яшаб, уйга – Ўзбекистонга қайтиб келдим. Келсам, онам суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган экан. Мен йўқлигим боис унинг васийси қилиб бандликка кўмаклашиш органи тайинланган. Мен васийликни ўз зиммамга қайта расмийлаштиришга улгурмадим, чунки онам вафот этиб, менинг номимга васиятнома қолдирган. Бироқ васийлик ва ҳомийлик органида айтишларича, онамнинг квартираси уни парваришлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш сифатида уларга тегишли эмиш. Ушбу васиятнома ҳақиқий эмаслиги ва мен меросхўр бўла олмаслигим хусусида уларнинг гаплари тўғрими?***

**Д.Маматқулова.**

– Васийлик тўғрисидаги низом II-қисмининг 20-бандига мувофиқ васий ўз васийлигидаги шахсни таъминлашга мажбур эмас. Унинг васийлиги билан боғлиқ барча харажатлар (масалан, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, овқатланиш ва ҳ.к.) васийлик белгиланган шахс ҳисобида амалга оширилади. Бунда **васийликдаги кишининг манфаатларини кўзлаб қилинган харажатларгина қопланиши керак, васийликнинг ўзи эса бепул** амалга оширилади. Уларни қоплаш мажбурияти онангиз зиммасида бўлган. ФКнинг 1113-моддасига кўра, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Васиятномада сиз кўрсатилганлигингиз боис, **сиз меросхўр сифатида қарзларни қоплаш бўйича барча мажбуриятлар билан бирга меросни қабул қилгансиз.** ФКнинг 1156-моддасига кўра васийлар мерос-хўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар. Бироқ онангизни **таъминлаш бўйича барча қилинган харажатлар ҳужжат билан тасдиқланиши ҳамда** васийликдаги шахсларнинг мол-мулк сақланиши ва уни бошқариш, васийликдаги шахсларга тегишли бўлган пул суммалари ва бошқа бойликларни сақлаш ҳолати тўғрисидаги **ҳар йилги ёзма ҳисоботларда акс эттирилиши керак.** Қоплаш керак бўлган харажатлар миқдори тўғрисида низо юзага келганда у суд тартибида ҳал қилинади.

**Мария ИВАНОВА, адвокат.**

# ПАСПОРТНИНГ ТУРМУШДАГИ ЎРНИ

***Кейинги вақтда турли масалалар бўйича мурожаат қилишимга тўғри келаётган расмий ташкилотлар паспорт нусхасини тақдим этишимни талаб қилишяпти.***

***Билишимча, баъзан қонун ҳужжатларида бу назарда тутилади, бироқ кўп ҳолларда бу талаб нотўғри қўйилади. Ҳолбуки паспорт – жуда жиддий ҳужжат, унинг ҳатто нусхаси ёрдамида кўп иш қилиш мумкин.***

***Ким ва қандай ҳолларда паспорт нусхасини талаб қилиш ҳуқуқига эга?***

**О.Горбунова.**



– «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомларга *(Президентнинг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонига 1-илова ва Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонига 1-илова (биометрик паспорт тўғрисида)* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Паспорт Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади ва унинг эгаси давлат ҳимоясидадир. Паспорт бланкаси қатъий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унинг сақланиши учун паспорт эгаси жавобгардир. Паспортни мажбуриятларни таъминлаш мақсадида гаровга қабул қилиш ва бериш Қонун билан тақиқланади.

Фуқаролик кодекси 19-моддасининг талабларига кўра, фуқаро ўз номидан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Шу сабабли паспорт унинг эгаси шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида, одатда, фуқаро томонидан турли-туман инстанцияларга тез-тез тақдим этиб турилади.

Амалиётда фуқаролар нафақат паспортни тақдим этадилар, балки битим тузиш учун зарур ҳужжатлар пакетига унинг ксеронусхасини қўшиб ҳам қўядилар.

Ҳужжатларни (шу жумладан паспорт нусхасини) тақдим этиш талаби мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатдики, **паспорт ксеронусхасининг бўлиши тадбиркорлик, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини ёки исталган бошқа махсус ҳуқуқни, пенсия, нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам, лицензия, аттестат, диплом ёки сертификат олишни расмийлаштириш учун, шунингдек банк операцияларида ҳамда ёзма шаклда расмийлаштириладиган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларда иштирок этиш учун зарур шарт ҳисобланади.**

Шу тариқа, паспорт ксеронусхаси аввало ташкилот томонидан фуқаро номига бериладиган бирор-бир ҳуқуқ белгилайдиган ҳужжатларнинг реквизитларини тўлдириш зарурати бўлган жойларда талаб қилинади. У бошқа ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, зеро, у ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган, аризага (шартномага) илова қилинадиган ҳужжат ҳисобланади.

Замонавий технологияларнинг ривожланиши амалда жуда турли-туман маълумотларни ғоятда хилма-хил мақсадларда бир лаҳзада йиғиш ва улардан фойдаланиш имконини беради, зеро ижтимоий муносабатларнинг ушбу жадал ривожланаётган соҳаси жуда кўп миқдордаги меъёрий ҳужжатлар ва аввало Ўзбекистон Конституцияси, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Бироқ ушбу ҳужжатларнинг ҳар бири ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотнинг махфий сақланиши, унинг ошкор бўлиб қолиши, ўғирланиши, йўқолиши, маъноси бузилиши ва сохталаштирилишининг олдини олишга йўналтирилган ҳамда у билан ғайриҳуқуқий мурожаат қилиниши унинг эгаси, мулкдори, фойдаланувчиси ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборотни ҳимоя қилишга йўналтирилган қоидаларни сўзсиз ўз ичига олади. Айбдорлар барча турдаги юридик жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Шундай бўлса-да, мен фуқароларнинг ўзларини ҳам ортиқча ишонувчанликдан эҳтиёт бўлишга чақиришни хоҳлардим, зеро аризалар ва фуқаро номидан бирор-бир нарсага ҳуқуқ берадиган бошқа ҳужжатлардаги имзони сохталаштиришга тайёр товламачилар оз эмас. Нусхаларга эга бўлиб, улар ҳақиқатан ҳам зарар етказишлари мумкин, шу боис **ҳужжатларни (уларнинг ксеронусхаларини) фақат расмий тарзда фаолият юритувчи ташкилотларга ва фақат бунинг учун ваколатли мансабдор шахсларгагина тақдим этиш керак.**

***Римма СОЛОДОВНИКОВА,***
***эксперт-юристимиз.***

***Хусусий корхонанинг директори бир вақтнинг ўзида ҳам директор, ҳам бош бухгалтер бўлиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, марҳамат қилиб айтсангиз, мазкур ҳуқуқий меъёрни қаердан топиш мумкин?***

**Д.Фомин.**

# ИККИ АМАЛДАГИ ДИРЕКТОР



– «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг *(30.08.1996 йилдаги 279-I-сон)* 7-моддасига биноан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни хона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Мазкур модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисига кўра, **раҳбар бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш ҳуқуқига эга.**

***Елена ЕРМОХИНА,***
***эксперт-юристимиз.***

Реклама

NORMA
Эксперт маълумотнома тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Реклама

«HOMBUR-AUDIT» МЧЖ
ЎзР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси
давлат улуши 50% бўлган барча хўжалик юритувчи субъектларда Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ
Барча малакали хизматларни кўрсатамиз
Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга
Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49
Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571
Филиаллар:
Нукус ш., А.Темур кўч., 120
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571
Қумқўрғон ш., А.Навоий кўч., 28
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
WWW.NORMA.UZ

## Эълонлар

ИШ

Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак.
Тел.: 109-26-11, 128-25-08.

РЕАЛИЗАЦИЯ

Совуткич камера (850 000 сўм).
1 йилда ўзини оқлайди*.
Тел.: 923-32-23, 451-85-00.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юкларни декларациялаш. Тел.: 127-31-08, 109-26-11.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

«АРХИВИСТ» кооперативи 20 йиллик иш стажига эга бўлиб, архив билан боғлиқ барча муаммоларни тез ва сифатли ҳал этади: йиғмажилдларни муқовалайди, йўқ қилинадиган йиғмажилдларни саралайди, йиғмажилдларни тизимлаштиради, йиғмажилдлар рўйхатини тузади. Барча ишлар жойига чиқиш билан бажарилади.
Тел.: 222-69-21, 912-88-93.

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш.
Тел. 726-52-33.

Корхона ва ташкилотларга иссиқ таом келтиришни ташкил этамиз. Тўлов – исталган шаклда.
Тел. (+99890) 185-05-98.

СЕРВИС МАРКАЗИ. Epson, HP, CANON рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жо-йига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Компьютерлар, ташкилий техника, ноутбуклар кафолат билан. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 126-20-17, 989-09-10, 215-61-11.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Микротўлқинли печлар, DVDни ТАЪМИРЛАШ. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

СЕРВИС МАРКАЗИ: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

